O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
30 APREL
SESHANBA
№ 53 (26.912)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда ёши улуғ инсонлар. отахону онахонларга эътибор бўлса, ўша жойдан файзу барака аримайди. Жамиятни тубдан ўзгартириш, соғлом авлодни тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибанинг, эзгу анъаналар ҳамда маданий қадриятларнинг узвийлигида кексаларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурида бу алоҳида йўналиш сифатида белгилаб берилган. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ушбу дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Қарияларга эҳтиром олий қадриятимиздир» мавзуидаги плакатни нашрдан чиқарди.

Унда кексаларни қадрлашдан иборат халқимизга хос қадимий анъаналар, оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришда қарияларнинг қўшаётган муносиб ҳиссаси ранг-баранг фотосуратларда акс эттирилган.

Плакат «Маънавият» нашриётида ўн минг нусхада чоп этилди.

■ (ЎзА)

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Эрон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳотамий 27 апрель куни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Фанлар академиясида бўлиб, олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашди. «Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши» мавзуида маъруза қилди.

Муҳаммад Ҳотамий мамлакатимиз илм аҳли эришаётган ютуқларга юксак баҳо берар экан, икки давлат олимлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Зеро, қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган икки халқнинг тарихий, маданий ва маърифий бойликлари жаҳон тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бадиий академиясига ҳам ташриф буюрди. У Ўзбекистон ва Эрон миниатюра санъатининг бу ерда ташкил этилган илк кўргазмаси икки мамлакат маданий алоқаларидаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Кўргазмага Эрондан Ф. Муҳфарид, М. Ҳунаркор, А. Таҳмосбий, Ўзбекистондан эса Ш. Муҳаммаджонов, А. Йўлдошев, Ш.Шоаҳмадов каби рассомлар қаламига мансуб суратлар қўйилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон — Эрон маданий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонлик бир гуруҳ шарқшунос олим ва адибларга махсус мукофотларни тақдим этди. Шоислом Шомуҳаммедов, Нажмиддин Комилов, Аҳмад Абдуллаев, Жамол Камол, Асқар Маҳкам каби ижодкорлар Эрон ҳукуматининг ана шундай эътиборига сазовор бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Муҳаммад Ҳотамий бошчилигидаги Эрон делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида Бухорога йўл олди.

У ерда шаҳарнинг қадимий меъморий обидаларини зиёрат қилди.

— Бухоройи Шариф аслида мустақил Ўзбекистоннинг бир шаҳри, — деди Эрон Президенти журналистларга берган интервьюсида. — Лекин у ҳозир бутун башарият мулкига айланган. Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий шу муқаддас заминда таваллуд топган. Буюк табиб ва файласуф Ибн Синонинг ҳам киндик қони шу ерга тўкилган. Бухоро, булардан ташқари, яна жуда кўплаб буюк инсонларга Ватан бўлган юрт. Бу гўзал ва қадимий шаҳар зиёратидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

28 апрель куни эса Эрон Президенти Самарқандда «Фарм Доктор Обидий» Ўзбекистон — Эрон — Англия қўшма корхонасининг очилиш маросимида иштирок этди. Эронлик ишбилармон Обидий билан ҳамкорликда бунёд этилган бу корхона 26 турдаги антибиотик дори, ойига миллион донагача бир марта ишлатиладиган шприц, турли хил атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. Корхона ишга тушиши билан икки юзга яқин одам иш билан таъминланди.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон Эрон Қизил яримой жамияти томонидан ташкил этилган «Панжоб» поликлиникасининг очилиш маросимида иштирок этди. Самарқандннинг довруғини дунёга таратган кўҳна меъморий обидаларни зиёрат қилди.

Шундай қилиб, Эрон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, меҳмонлар бу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси, деб атади. Бунга асос етарли. Тошкентда Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокаралар ниҳоясида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Самарқандда эса ўзаро алоқалар ривожини намоён этадиган янги қўшма корхона ва тиббий муассаса ишга тушди. Мамлакатларимиз халқлари келгусида ўзаро ҳамкорликнинг бундай ютуқларига жуда кўп бор гувоҳ бўлишига шубҳа йўқ.

■ (ЎзА)

«САРБОНТЕКС» — САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИДА

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Аввалари мамлакатимиз пахта етиштиришга ихтисослашган бўлса-да, ундан олинадиган маҳсулотлар камёб эди. Айниқса, бинт ва жарроҳликда ишлатиладиган дока сочиқлар ноёб бўлиб, улар четдан келтириларди.

Мустақиллик даврида муаммони ҳал қилишга жиддий киришилди. Гулистонда ташкил этилган қўшма корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди. Пахта толасидан калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва тез орада калава турлари кўпайди.

Янги корхонани бунёд этишдан мақсад бинт ва жарроҳликда ишлатиладиган дока сочиқлар тайёрлашни кўпайтириш эди. Айни кезда боғлаш материаллари ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Эндиликда уларни Испания, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиш ҳам мўлжалланмоқда.

Испаниянинг «GRUPOS DE ASPIRACION Y CALDERERIA, S.A.» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилган корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 1222,5 тонна пахта калаваси, 31,7 миллион дона бинт ҳамда 86 миллион дона жарроҳлик дока сочиқлари ишлаб чиқаришга етади.

Шу йил бошидан буён бу ерда 753840 дона бинт ишлаб чиқарилди. Бу — 93 миллион 474 минг сўмлик маҳсулот дегани. Шунингдек, 1 миллион 406500 дона жарроҳлик дока сочиқлари (140 миллион 650 минг сўмлик), 255 миллион сўмлик 340 тонна пахта калаваси тайёрланди.

✧✧✧

Суратларда: *1. Докани зарарсизлантириш цехи ишчиси Зоҳид Пардаев. 2. Ип йигирувчи Муаззам Тошболтаева. 3. Дока тўқувчи Марғуба Шодибоева.*

DUNYO — VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Норвегияда Фаластин миллий мухториятига ёрдам берувчи донор мамлакатлар ўртасида тузилган мувақкат мувофиқлаштирувчи қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Россия, АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари ҳамда турли молиявий ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтган мазкур учрашувда Фаластинга 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилинди.

Норвегия ташқи ишлар вазири Ян Петерсеннинг айтишича, ушбу маблағ мухториятнинг зарар кўрган инфратузилмасини тиклаш, хусусан, ичимлик суви ҳамда электр тармоқларини таъмирлашга сарф қилинади.

СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАДИ

Корея Халқ Демократик Республикасининг икки фуқароси АҚШнинг Хитойдаги элчихонаси ҳудудига кириб олиб, мамлакатдан сиёсий бошпана беришларини элчидан ўтиниб сўрашди. Илтимос қондирилди. Пекиндаги Америка элчихонаси вакилининг шанба куни тарқатган маълумотига кўра, сиёсий бошпана сўраган бу икки Шимолий кореялик АҚШга жўнатилмаслиги аниқ, лекин бошқа мамлакатдан бошпана бериш кўзда тутилган. Улар қайси мамлакатга жўнатилишини элчихонадагилар маълум қилишмади.

Ўтган пайшанбада ҳам худди шундай воқеа қайд этилган эди: КХДР фуқароси Германиянинг Пекиндаги элчихонасига девор оша кириб олиб, сиёсий бошпана беришларини сўраган эди.

РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика назорат органлари томонидан 2002 йил биринчи чорагида ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди, ўтказилаётган текширишларни келгусида тартибга солиш, назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, биринчи галда кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди ҳамда бу борада Кенгашнинг Андижон вилояти ҳудудий комиссияси фаолияти кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б. Хўжаев ахборот берди.

Таъкидландики, кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 46,5 фоизга камайтириш имконини берди. Амалдаги хўжалик субъектларининг 5,8 фоизининг фаолияти текширилди, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 11,6 фоиздан иборат эди. Айни пайтда барча режалаштирилган текширишлар комплекс тарзда амалга оширилди, ваҳоланки, ўтган йили шу тарзда ҳар учта хўжалик юритувчи субъектнинг бири текширилган эди. Текширишлар режа-жадвали лойиҳасидан 2002 йилнинг I ва II чорагида 8,7 мингта хўжалик юритувчи субъектни текшириш чиқариб ташланди. Уларнинг 70 фоизини фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этади.

Ҳисобот даврида назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларнинг тўртдан уч қисмидан ортиқроғи текширилган хўжалик юритувчи субъектлар ишида хато ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. 15 миллиард сўмлик камчиликлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан 14 миллиард сўмлик молиявий-иқтисодий жазо чоралари қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди, йўл қўйилган камчиликлар учун 17 минг нафардан зиёд мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, мажлисда кўпчилик ҳудудий комиссиялар назорат органларининг режадан ташқари текширишларни ўтказиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқишга юзаки ёндашаётгани, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари комиссиялари томонидан кўпгина режадан ташқари қисқа муддатли текширишларга асоссиз рухсат берилаётгани таъкидланди.

Баъзи бир назорат органлари томонидан белгиланган текшириш тартиблари ҳамон бузилмоқда. Ҳисобот даврида ушбу назорат органларининг 85 нафар мансабдор шахси жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 44 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва 2 нафари ўз лавозимидан четлатилди.

Таъкидландики, айрим аудиторлик фирмалари томонидан берилаётган ижобий хулосалар баъзида ҳақиқатга тўғри келмайди, Молия вазирлиги томонидан уларнинг фаолияти етарлича назорат остига олинмаган. Шу муносабат билан вазирликка аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ва хўжалик субъектларига нотўғри хулосалар берган аудиторлик ташкилотлари лицензияларини олиб қўйиш масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Кенгаш мажлисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек давлат нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Н.Рамазоновнинг инспекция ва унинг бўлинмалари томонидан хўжалик субъектларини текшириш самарадорлигини ошириш ва тартибга солиш тўғрисидаги республика қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тингланди.

Республика нефть-газ мажмуи фаолиятида ёнилғи-мойлаш материалларидан унумли фойдаланиш борасидаги мавжуд камчиликлар бошқа сабаблар билан бир қаторда тармоқ корхоналари ва улар маҳсулотининг истеъмолчилари ишини назорат этишда жиддий камчиликларга сабаб бўлаётгани, пировардида Ўздавнефтгазинспекция ва унинг бўлинмалари фаолияти самарадорлиги пастлигича қолаётгани таъкидланди. Назорат фаолияти ўйламасдан режалаштирилгани сабабли ўтган йили инспекция томонидан нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда истеъмол қилиш билан шуғулланадиган корхоналарнинг 2 фоиздан ками текширишлар билан қамраб олинган. Шу билан бирга баъзи корхоналар текширишлар режасига ҳар йили киритилмоқда.

Ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш бўйича нефть базалари ва автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчалари фаолиятини назорат қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилмаяпти. Натижада амалдаги қонунчилик қўпол равишда бузилмоқда, катта молиявий маблағларнинг ноқонуний айланмаси учун шароит яратилмоқда.

Газ сотувчи ташкилотлар ва газ истеъмолчилари томонидан газ таъминоти ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси тизими ва «Бошкоммунгаз» корхоналари фаолияти устидан назорат ўрнатилмагани боис катта миқдордаги табиий газ талон-торож қилинишига йўл қўйилди.

Қайд этилдики, Ўздавнефтгазинспекция ва унинг бўлинмалари ходимларида текширишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича айбдор шахсларга нисбатан етарли талабчанлик йўқ, кўрилаётган чоралар мавжуд жиддий камчилик ва хатоларга мувофиқ эмас. Ўтган йили айбдор шахсларга нисбатан қўлланган 688 миллион сўм миқдоридаги молиявий жарималардан фақат 167 миллион сўми ёки 24 фоизи ундирилди. 1994-2000 йилларда нефть маҳсулотларидан нотўғри фойдаланганн учун қўлланган жарималардан эса 255 миллион сўмдан ортиғи ҳозиргача ундирилмаган.

Кенгаш муҳокама этилган масала юзасидан Ўздавнефтгазинспекция ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишларни қониқарсиз деб топди. Инспекция бошлиғи Н. Рамазоновга йўл қўйилган камчиликлар учун шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилди, инспекциянинг жорий йил I ярим йиллиги якунлари бўйича фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмаса, Кенгаш томонидан эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Прокуратура органлари томонидан табиий газни талон-торож қилиш ҳолатлари бўйича жиноий ишлар қўзғатилгани ва текшириш давом этаётгани маълумот учун қабул қилинди. Мониторинг натижалари бўйича материалларни Вазирлар Маҳкамасининг ёқилғи-энергетика мажмуига кўриб чиқиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш ва айбдор мансабдор шахсларни жазолаш учун юборишга қарор қилинди.

Мажлисда текширишларни мувофиқлаштиришга алоқадор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари Р. Азимов, Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбари Р. Абдуқодиров, Бош прокурор Р. Қодиров, адлия вазири А. Полвонзода, давлат солиқ қўмитаси раиси Ў.Комилов, қатор вазирликлар, идоралар, назорат органлари раҳбарлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди ва сўзга чиқди.

■ (ЎзА)

ПАРТИЯ ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНИБ ОЛИНДИ

2002 йил 29 апрель куни Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг партия минтақавий кенгашлари биринчи котиблари иштирокидаги, кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП МК IV пленумининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Экологик дастури ҳақида»ги қарори бажарилишини ташкил қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон ХДП ташкилотларида кадрлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилиш қатнашчилари атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазалаш борасидаги партия дастурини ХДП ташкилотлари томонидан бажариш амалиёти ҳамда партия кадрларини танлаш, тайёрлаш, мазкур йўналишлардаги ютуқ, камчиликлар, амалга оширилмаган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида ўтказилган йиғилиш партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларни такомиллаштириш мавзуига бағишланди. Унинг давомида асосий эътибор жойларда бу ишларнинг таъсирчанлигини ошириш ва аниқ йўналишда ташкил этишга қаратилди. Мажлисда, бошланғич партия ташкилотлари тизими, партия кенгашларининг молиявий аҳволи, партия ахбороти ва партия фаолиятига оид қатор масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

■ ЎзХДП МК матбуот хизмати

СЕШАНБА – КАДРЛАР КУНИ

Боёвут туман ҳокимлигида ҳар ҳафтанинг сешанба куни Кадрлар куни деб эълон қилинди.

Шу куни туман ҳокимлигининг номенклатурасидаги раҳбар ходимлар, маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар ташкилотлари етакчилари туман ҳокимлигига йиғиладилар. Улар кадрлар танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш бўйича мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказадилар. Нотиқларнинг маърузаларини эшитадилар.

Кадрлар кунида назарий машғулотлар олиб борилиши билан бирга шу куннинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинади. Улар орасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари раҳбарларининг ваколатига киритувчи вазифалар, аҳолини иш билан таъминлаш, ариза, шикоятлар билан ишлаш, коммунал хизмат учун тўловлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш сингари ўнлаб масалалар кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Эътиборли томони шундаки, ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган масалалар бўйича юзага келган муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ чоралар белгиланмоқда.

■ «Туркистон-ПРЕСС»

МУЛОҲАЗА

ДАБДАБАЛИ ТЎЙЛАРДАН МАҚСАД НИМА?

ТЎЙ ВА МАЪРАКАЛАРНИ КИМ ЎЗАРГА ЎТКАЗИШ ҲАМОН КАМАЙМАЯПТИ

Халқимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган кўп ҳикматли гаплари, ибратли фазилатлари бор. Камтарлик, очиққўнгиллик, ночор одамга қайишиш — бу ўзбекчиликнинг асосий устунларидан.

Отлиқ пиёдага, юраётган ўтирганга салом берсин, деб ўргатилади ўзбекчиликда. Инсонни раҳмдилликка, фақиркўнгилликка, ғамхўрликка чақириш ҳам ўзбекона, ҳам умуминсоний фазилатлар ҳисобланади. Боиси меҳр-мурувват камаймасин, боиси кибр, жабр-ситам, зўравонлик кўпаймасин.

Тарих гувоҳ, меҳр-шафқат, мурувват камайган жойда инсонлар мол-дунё, ҳашамат ва дабдабабозлик касалига мубтало бўлади.

«Маҳаллада дув-дув гап» фильмида шундай кўриниш бор: Пошшахоннинг ҳовлисида тўй бўлаяпти. Югур-югур, чоп-чоп авжида. Қозонларда овқатлар биқир-биқир қайнаяпти, ҳофизлар нола қилмоқда.

— Нечта қўй олдингиз?

Маҳаллага эшитилган саволига эрининг «атиги битта...» деган жавобини олган Пошшахоннинг ҳолати қизиқ:

— Ўнта?? Ўнта қўй нима бўлади? (Буни овозини баланд қилиб, қўлларини белига қўйган ҳолда айтади).

— Маҳаллада дув-дув гап бўлсин, душманларим куйиб ўлсин дейман-да. (Бу энгашилиб, эри эшитадиган овозда айтилади).

Ўнта қўй деган ёлғон Пошшахон томонидан эл эшитсин, душман куйсин учун айтилди: битта қўй олинганини маҳалла билса мақтанишга, ман-манлик қилишга тили қисқа бўлади... Шундай эмасми?!

(Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ПАРТИЯЛАР ОРАСИДА РАҚОБАТ БЎЛИШИ ШАРТ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотларни амалга оширишда шак-шубҳасиз сиёсий партияларнинг ўрни, фаоллиги катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари номзоди Ҳамро ЭРМАТОВ билан суҳбатимиз мавзуси ҳам ана шу хусусда бўлди.

— Ҳамро ака, ўзингизга маълум, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг майдонга чиққан илк сиёсий партия — бу Халқ демократик партияси. Шу партиянинг етакчиларидан бири ва файласуф олим сифатида айтинг-чи, ўтган давр мобайнида ХДП ўзининг илк дастурларида белгиланган вазифаларни қай даражада бажара олди, деб ҳисоблайсиз?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси истиқлол фарзанди, у мустақиллик билан бирга туғилган. Партиянинг I съездида (1991 йил 1 ноябрь) унинг Дастури ва Низоми қабул қилинган. Унда демократик йўналишдаги энг илғор фикрлар ва ғоялар ўз аксини топганди. Мамлакатимиз эса ўтиш даврининг бошланғич нуқтасида эди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов илгари сурган таклиф ва ғоялар:

— мустақилликни мустаҳкамлаш, республикада тинчлик ва тотувликни барқарор қилиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва уни ижтимоий ҳимоя қилиш, демократик тамойилларни аста-секин, босқичма-босқич қарор топтириш;

— кучли демократик давлатдан ҳуқуқий демократик жамиятга ўтиш ва шу каби фундаментал тамойиллар партия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ушбу принциплар ХДП Дастурида ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам улар ҳамоҳанг равишда амалга оширила борди.

Аммо, вақт ўтиши билан ҳаёт ва унга бўлган талаб ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам партиямиз ўзининг III съездида (1999 йил октябрь) Янги таҳрирдаги Дастур ва Низомига бир қанча қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритди. Бу янгиликлар эса республикамизда кечаётган демократик ўзгаришлар ва жаҳон ҳамжамиятидаги бунга бўлган қарашлардан келиб чиққан эди.

Ўтган даврда бирмунча ишларни амалга оширишга эришдик, энг муҳими партиямиз ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Олий Мажлис сессияларида қонунларнинг қабул қилинишида ўз таклифларимиз билан фаол қатнашишга ҳаракат қилдик.

Аммо ҳали амалга оширилиши керак бўлган вазифалар жуда кўп. Қолаверса, партия дастури узоқ муддатни кўзлаб тузилади.

— Икки палатали парламентга ўтилиши партиялар олдига, жумладан, ХДПга қандай вазифалар юклайди? Умуман, бугунги кунда партияларнинг ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Икки палатали парламент демократик жамиятга қўйиладиган асосий талаб ҳисобланади. Бизнинг республикамиз учун эса икки палатали парламентга ўтиш демократия сари қўйилган йирик қадам, жамиятнинг сиёсий ҳаётида эса туб бурилиш бўлади. Ана шу туб бурилишда асосан сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ошиб боради. Аммо, бу деган сўз сиёсий партияларга бериладиган қуруқ имтиёз эмас, балки партиялар олдига жамият томонидан қўйиладиган тақдиршумул масъулият, деб тушуниш керак.

Иккинчидан, қонунчилик палатаси — бу профессионал палата. Бундан эса профессионал депутатлик статуси келиб чиқади. Чунки профессионал парламент вакиллари аввалгидек нафақат қонунлар муҳокамасида иштирок этиб қолмай, балки қонун яратиш билан шуғулланадилар. Бу эса ҳар қандай депутатдан нафақат профессионаллик, балки малакали билим ва маҳорат талаб этади. Ўз навбатида сиёсий партиялар олдига масъулият, яъни профессионал депутатликка мос танлов ўтказиш масъулиятини юклайди.

Учинчидан, бугунги кундаёқ биз профессионал парламентнинг профессионал депутати ким ва қандай хусусиятларга эга бўлиши керак, — деган саволга жавоб топишимиз зарур. Бу эса ўз навбатида бир неча ҳолатларни келтириб чиқаради:

1) Мамлакат сиёсий майдонида янги касб — профессионал депутатлик статуси пайдо бўлмоқда. Бу эса аввалги депутатлик статусидан тубдан фарқ қилади;

2) Депутат олдида профессионал қонунларни яратиш вазифаси туради. Бу борада немис файласуфи И. Кантнинг қуйидаги сўзлари ибратли деб ўйлайман: «Шундай қонунлар яратилиши керакки, уни ўқиган ҳар қандай кўчабезори ҳам ахлоқий кишилар сафига қўшилсин».

3) Профессионал депутат қандай касб эгаси бўлиши керак, — деган масала кўндаланг бўлади. Бизнинг нуқтаи назаримизда депутат профессионаллик статусини оларкан, уни қандайдир бирор касб билан чегаралаш кўпол хато бўларди. Аммо баъзи бир масалаларда улар ўзаро келишадилар ҳам. Икки палатали парламент шароитида улар орасида рақобат пайдо бўлиши табиий. Чунки, рақобат ғоя ва манфаатдорлик тўқнашган пайтда пайдо бўлади. Рақобат диалектикаси шундан иборат. Бу ерда эса рақобат аввало давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун бизнинг партиямиз дастурида ҳам, ҳаракат стратегияси ва тактикаси, форма ва методларида ҳам баъзи бир ўзгартиришлар киритилиши лозим, деб ўйлайман.

— Икки палатали шароитда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини қандай тасаввур қиласиз?

— Икки палатали парламент тузилиши халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ҳам туб ўзгаришларни тақозо этади. Бизнинг нуқтаи-назаримизда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар миқёсида биринчи навбатда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар фаолияти ижроия ҳокимиятлар фаолиятидан мутлақо ажратилиши керак. Иккинчидан, маҳаллий кенгашлар у ёки бу ҳудуд, вилоят миқёсида ўзига хос ҳужжатлар, қонуности актлар қабул қилиши ва улар ижросини назорат қилиши керак. Учинчидан, юқори палата, яъни сенат аъзолари маҳаллий кенгашлар депутатлари ичидан сиёсий партиялар манфаатини ҳисобга олган ҳолда сайланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Партиянинг куч-қудрати, обрўси унга эргашган аъзолари билан боғлиқ. Албатта, ХДПнинг бу борада ўрни бор. Партия аъзолари сони жиҳатидан мамлакатимиздаги энг илғор сиёсий жамоалардан ҳисобланади. Аммо... очиқ айтиш жоизки, ҳамма жойда ҳам унинг фаоллиги сезилавермайди. Бунинг боиси нимада?

— Дарҳақиқат, бизнинг партиямиз нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзига хос мавқега эга партиядир. Шу боисдан республикамиз мустақиллиги даврида ўтказилган иккита сайловда ҳам энг кўп овозни Ўзбекистон ХДП вакиллари олганлар. Аммо, кўпгина шаҳар, туманлар миқёсида, бошланғич партия ташкилотларида ташаббускорлик етишмаётганлиги бор гап. Ўйлайманки, икки палатали парламентчилик сиёсатининг ўзи партия ташкилотларининг фаоллигини оширишга даъват этади. Биз бунга ҳозирданоқ тайёргарлик кўрмоқдамиз. Чунки, ҳар қандай партия фаолиятига сайловларнинг ўзи қатъий баҳо бергувчи олий ҳакамдир.

— Ўзингизга яхши маълумки, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун бор. Аммо янгича парламентчилик шароитида бу Қонун ҳам ўзгариши табиий. Қонунга ўзгартишлар киритишда партияларнинг ривожи учун нималарга эътибор берилишини истар эдингиз?

— Демократик жамиятда ҳар қандай сиёсий партия ҳам қонунлар асосида иш юритади. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун эса партиялар фаолияти чегарасини белгиловчи ҳужжатдир. Бизнинг нуқтаи-назаримизда 1996 йилда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун анча эскирди. Айниқса, икки палатали парламентга ўтиш эса қонунни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Ушбу хусусда менинг ўз фикрим бор. Менинг нуқтаи-назаримда қонун қуйидагиларни ўз ичига олса яхши бўларди:

а) Ҳар қандай кучли жамият учун кучли сиёсий партиялар бўлиши лозим. Қонун эса бунга тўла йўл очиб бериши керак;

б) Партия жамиятнинг ажралмас қисми. Шунинг учун ҳам қонун партиялар ривожланишини жамият тараққиёти билан узвий боғланишига ёрдам бериши керак.

Булар умумий хулосалар. Энди бўлажак қонун тўғрисида таклифларим қуйидагича:

Ушбу қонунда партия фракциялари тўғрисида, жойларда эса маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари тўғрисида алоҳида боблар киритилиб, бунда ушбу уюшмаларнинг фаолияти доираси белгиланиши лозим.

Қолаверса, сайловларда 50 фоиздан кўпроқ овоз олган партияга етакчи партия мақоми берилиши мақсадга мувофиқ бўларди ва уни қонунда алоҳида қайд этилиши партиялар ривожига асос бўларди. Бундан ташқари, икки палатали парламент шароитида партия рўйхатида кўрсатиладиган ва айниқса сайланган депутатлар учун партиялар масъулияти алоҳида қайд этилгани яхши. Негаки, фақатгина иқтисодий бақувват партияларгина кучли фаолият кўрсатишга қодир бўлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг нодавлат ва нотижоратташкилотларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб, партияларга моддий ёрдам ажратиш масаласи қонунда ўз ифодасини топади, деган умиддаман. Агар ушбу ёрдам партияларнинг сайловларда олган ўринлари билан белгиланса, янада адолатли бўлар эди.

■ **Суҳбатдош: Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

ТОЗА СУВГА НОШУКУРЛИК

- **1 КУБОМЕТР СУВ БИЛАН 3 ТА МАШИНА ЮВИЛАДИ**
- **ШУНЧА ОБИҲАЁТ 8 КИШИГА БИР КЕЧА-КУНДУЗЛИК НАСИБА**

Наманган шаҳрида ичимлик суви муаммоси у қадар ўткир эмас. Истиқлол шарофати туфайли бу соҳада кўп хайрли ишлар қилинди. Биргина Қизилровот — Наманган сув узатиш иншооти шаҳарликлар учун кунига 100000 кубометр қўшимча обиҳаёт олиш имконини берди.

Жўмракни бурасак шовуллаб оқадиган обиҳаёт чанқоғимизга малҳам, турмушимизга нур бахш этувчи бебаҳо неъмат, албатта, ўз-ўзидан юзага келаётгани йўқ. Масалан, Наманган шаҳрида ичимлик суви учун бир кунда 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Бу рақамни ойга, йилга кўпайтирилса, маълум бўладики, сувнинг баҳоси жуда қиммат.

Бироқ кейинги пайтда сув босимининг пасайиши, баланд иморатларнинг 3-, 4-қаватларида сув жилдираб оқадиган бўлиб қолиш, баъзан мутлақо келмай қолиш ҳоллари кузатилмоқда. Хўш, бунга нима сабаб?

Шаҳар прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, ичимлик сувидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари учрамоқда. Дейлик, ҳар беш чақиримда машина ювиш шаҳобчалари очилди. Бу шаҳобчаларда тўғридан-тўғри ичимлик сувидан фойдаланиш одатий ҳолга айлангани ташвишлидир.

Шаҳарнинг гавжум Лола — Давлатобод йўли ёқасида «Осиё-95» хусусий фирмасига қарашли автомобиль ювиш шаҳобчаси бор. Шаҳобча жуда гавжум. Кунига 30 тадан енгил автомобиль ювилади. Бу ердаги ҳужжатда кунига 10 кубометр миқдорида сув ишлатиш мумкинлиги кўрсатилган. Бошлиқ Носир Жўраев шлангни ичимлик сув тармоғига улаб, жарақ-жарақ пул ишлаяпти.

Шу ҳудуддан сал наридаги Илҳомжон Тожибоев бош бўлган «Саодат» хусусий фирмасига қарашли ювиш шаҳобчасида ҳам аҳвол шу.

Ҳамза кўчаси 11-уйда жойлашган «Маърифат-95» кичик корхонасига қарашли шаҳобча бошлиғи Собитхон Олимов амалдаги тартибни мунтазам бузиб келган. У «Сувоқава» ташкилоти белгилаган лимитдан ортиқча миқдорда сув ишлатган. Боз устига Давлат экология экспертизаси хулосасига зид равишда тиндиргич ҳовузлардан фойдаланмаган. Зеро, шаҳобчада махсус ҳовузлар бўлиши, ишлатилган сув тиндирилиб, мой ва ифлослик қолдиқларидан холи ҳолда яна бир неча марта фойдаланилиши, сўнгра оқава тармоғига ташланиши лозим эди. С. Олимов бўлса айбини оддийгина изоҳлайди:

— Ҳовузда тиндирганимизда сув покиза бўлмагани учун тўғридан-тўғри ичимлик сувидан фойдаланавердик..

«Ифода» кўп тармоқли хусусий фирмасининг «Автокосметика» аталмиш шаҳобчаси маҳобати билан ҳар қандай ҳайдовчини ўзига тортади. Бу ерда ишловчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Текшириш куни, афсуски, бу жойда ҳам кўп камчиликлар аниқланди. Буни қарангки, шу йилнинг 1 февралида стандарт кўригидан ўтказиш учун юборилган сув ўлчагич яқин икки ой бўлса-да, олиб келинмаган. Шартномада белгиланган 150 кубометр ўрнига Отабек Қодиров раҳбарлигида ишловчилар обиҳаётни қорниларига керагича бир зумда мағзавага айлантириб ётишгани аниқланди.

«Шарқ» пойабзал фабрикаси (директори А. Абдурахмонов)га, хусусий тадбиркор А. Мирабдуллаев, «Иқбол сервис» масъулияти чекланган жамиятга қарашли шаҳобчаларда ҳам шу каби нуқсонлар устидан чиқилди.

Шунингдек, текшириш чоғида «Турли хизмат» кўп тармоқли фирмасига қарашли ҳамда «Абдусалом» хусусий фирмасининг автомобиль ювиш шаҳобчалари давлат экология экспертизаси хулосасини олмай фаолият кўрсатиб келган. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекцияси бўлса буларга панжа орасидан қараган.

«Сувоқава» шаҳар ишлаб чиқариш корхонасидек обиҳаётнинг эгаси негадир тоза ичимлик сувини тўғридан-тўғри машина ювиш учун сарфлаётганларни кўриб-кўрмаганликка олган. Ваҳоланки, корхонанинг ҳудудлар бўйича назоратчилари бор. Уларнинг масалага ҳушёр қарамаётгани ҳам кишини ўйга толдиради.

Шаҳар бўйича 19 та шаҳобча дедингиз-қўйдингиз. Бир ойда ҳар бир шаҳобча ўртача 100 кубометрдан ичимлик суви ишлатса 1900 кубометр, бир йилда 22800 кубометр сув исроф бўляпти. Шунча сув юзлаб оилаларнинг йил давомидаги ризқи, насибаси, ахир.

Албатта, текширишлар якуни бўйича айбдорларга нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди, айрим шаҳобчаларни вақтинча беркитишга тўғри келди. Баъзи мутахассислар интизомий жавобгарликка тортилди. Лекин, гап фақат кўрилган чоралардагина эмас.

Халқимизда олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деган нақл бор. Миллионларни сарфлаб тоза сув яратилса-ю айримлар шу неъматни кўз олдимизда йўққа чиқарса.

Тўғри, машина ювиш шаҳобчалари ҳам керак. Замон ўзгаряпти, одамлар ўзгаряпти. Тозалик, покизаликка интилганимиз яхши. Бироқ, бу мақсад учун иккинчи даражали, техник сувдан ҳам фойдаланиш мумкин-ку! Бунинг учун Наманган шаҳрида етарли имкониятлар бор. Шаҳар ўртасидан Намангансой, Янгиариқ канали ўтади. Нега энди техник мақсадлар учун шу сувлардан тежаб-тергаб фойдаланиш мумкин эмас? Мутасадди ташкилотлар назаримизда бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

■ **Шуҳратжон ҲУСАИНОВ, Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси. Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«АЛЛО, ГАПИРИНГ...»

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамияти қисқа давр ичида тубдан янги ташкилотга айланди. Иш услуби, мижозларга кўрсатилаётган хизмат кўлами ошди, электрон телефон алоқафар кишининг меҳнат маҳсули. Жамоа ходимларининг ўртача маоши 57027 сўмни ташкил этади.

Аҳолига яхши хизмат кўрсатиш бош мақсад. Алоқа иншоотларини таъмирлаш учун 73,4 миллиона сўм сарфланди. Тармоқда носозликлар ўтган йили уч ойда 964609 тел. соат бўлган бўлса, мазкур йилнинг 3 ойида 541196 тел. соатга тушган. Шикоятлар эса 494 тадан 360 тага камайган. Албатта, бу билан тармоқда ишлар зўр, демоқчи эмасмиз. Бироқ, силжиш бор.



сига ўтилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 5685 та телефон нуқтаси ўрнатилди. 34-, 35- АТСларни қайта қуриш мақсадида «HUAWEI», «SIMENS», «ALKATEL», «ERIKSSOH», «ITALTEL» сингари жаҳондаги илғор фирмалар ўртасида тендер ўтказиш учун лойиҳалар

тайёрланди. Шунингдек, «Прометей» АЖ «НИИС» тизимини татбиқ этиш ҳамда «ALKATEL» фирмасининг алоқа тармоғини кенгайтириш учун ҳам ТЭО дастури тузилди.

Айни кезда пойтахтда 538,6 мингта телефон рақамига эга 74 АТС фаолият кўрсатаётир. Ўтган уч ойда 3 миллиард 40,4 миллион сўмлик даромад қилинди. Бу, албатта, жамоада ишлаётган 3448 на-

— Энг асосийси, фуқаролар узоғини яқин, мушкулини осон қилаётган телефон тармоғи вакилларидан ҳамшаҳарларимиз мамнун, — дейди «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамияти раиси Саидакбар Агзамов.

Суратларда: тармоқ ходимларининг иш фаолиятидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

МУЛОҲАЗА

ДАБДАБАЛИ ТЎЙЛАРДАН МАҚСАД НИМА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

... Дабдаба-ю ҳашамдорликка, маҳаллада дув-дув гап бўлиши учун тўй қилишга интилиш ошса ошаяптики, камайгани ҳамон сезилмаяпти. Тўйга 4-5 та ҳофизни фалон сўмга гаплашамиз, яна «эл кўзи» учун «кўки»дан қистирқистир қиламиз. Никоҳга кетаётган келин-куёв кортежидан узун колонна ҳосил бўлади. У «Лимузин» ва «Мерседес» билан бошланиб, «ГАЗ 31» билан тугайди.

«Қиз чақирди», «чорлар» ҳам тўйдан кам ўтмайди. Ҳайитларда қизим бировдан кам бўлмасин, деб 30-40 тоғора нарса юборилади. Суннат тўйини эса етти маҳалла, етти қишлоқ эшитиши ҳамда етти ой гап-сўз қилиб юришини хоҳлаймиз.

Тўғриси, баъзан тўй тўйга эмас, балки ўзини кўрсатувчилар учун гўё кураш майдонига айланади, унда манманлик, мол-дунё намойиши бўлади.

Қизиғи шундаки, бундай дабдаба, ортиқча харажатдан фақат тўй эгасининг ўзи жабр кўради. Йиллаб йиққанини бир кунда совуради, боз устига одамлардан қарздор бўлиб ҳам қолади...

Дабдабали тўйлар кўпроқ бели оғримай пул топаётганларга хосроқ. Бошқалар уларга тенглашаман, деб ўзини оғир аҳволга солиб қўяди. Бундай кибрбозлик, мен сендан камми каби пойгабозликлардан мурувват туйғулари озорланади, қаровчисиз қолган, ночор оилалар устидан кулгандек бўлинади.

Қишлоғимиздаги бир хонадонда ёнғин чиқиб, каттакон ҳовлидан фақат тўртта девор қолди, холос. Жўжабирдай еттита жон томи, дераза-эшиги йўқ ҳувиллаган уйда яшай бошлади. Ўша кунлари қўшни уйда тўй бўлди. Қозон-қозон ош дамланди. Яшик-яшик ароқ ичилди. Фалон-писмадон артистлар кун бўйи хизматда турди...

Ён қўшни бошига кулфат тушган бир пайтда дабдабабозлик билан тўй қилиш, унинг кўнглига қарамаслик инсонгарчиликка тўғри келадими? Бундан кўра тўйга кетган ортиқча сарф-харажатнинг бир қисмини ёрдам тариқасида қўшнисига берса савобга қолмайдими?

Камбағал қўшнисининг уйига соя ташламасин учун бой хонадонлар иморатини баланд кўтармаганликлари ҳақида боболардан кўп эшитганим бор. Бунда орамиздаги фарқни ҳар куни иморатларда ҳам кўриб, камбағал қўшним ўкинмасин, деган ийманиш ётганини англаш қийин эмас. Дабдаба ва ҳашаматбозликка берилмаган аждодларимиз шу йўл орқали меҳр-мурувватни ва инсонпарварлик туйғуларини ҳам сақлаб келишган.

Тўғри, жамиятда ҳар бир киши иқтидори ва ҳаракатига яраша ўрин эгаллайди. Уларнинг олаётган улушлари ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Ҳамма замонларда ҳам бойлар, камбағаллар, ўртаҳоллар бўлади. Бу табиий бир ҳолдир. Уларнинг яшаш шароитлари, имкониятлари шу боис турлича, иморатлари паст-баланд, тўйлари тўкин-ғариб.

Лекин ана шу табиий ҳолатларга ҳам аждодларимиз инсонпарварлик ва олижаноблик билан ёндашганлар. Ўзаро муносабатларда шафқат туйғуси устун бўлган. Бойи мен бойман, деб кибрга — ҳашаматга берилмаган, қўшниси қапасининг ёнида қаср қилиб иморат кўтармаган. Ёки ҳамсоясининг болалари оч ва юпун туриб бир ҳафта тўй-ю томоша қилмаганлар. Инсон табиатидаги молпарастлик, ҳашаматбозликка бўлган кучли интилишнинг меҳр-мурувват туйғулари устидан ҳукмрон бўлишига йўл қўйишмаган ота-боболаримиз.

Бугун туғилмаган фарзандига ҳам қўша-қўша қасрмонанд уй қураётганлар, машинасини кийим алмаштиргандек ҳар ҳафтада янгилаб, кўз-кўз қашаётганлар, тўйига ўнлаб ашулачи-ю ўйинчиларни олиб келиб, доллар сочиб, маҳаллада дув-дув гап бўлаётганлар қалбидан ўша аждодларимиз ҳис қилган олижаноб туйғулар ўтармикин?!

Тўй-ку майли. Баъзи хонадонларга фотиҳага борсангиз таъзия дастурхонини кўриб ҳанг-манг бўласиз. Хил-хил мевалару, бодом писталардан тортиб, ҳатто бананларгача бор. Бу ерда арвоҳ руҳи шод қилиняптими ёки дастурхон кўз-кўз этилаяптими, билолмайсан. Азами ё... ҳайрон қоласан киши.

Дабдабани енгмаса, у одамни енгади. Унинг ичини, туйғуларини, олижаноб ҳисларини ҳам кемириб ташлайди... Эл кўзи учун дабдабали маърака қилиш, ҳашамат билан мақтаниш, 20-30 тоғора юбордим, деб керилиш мол-дунёга ҳирс қўйишга олиб келади ҳамда меҳр-мурувват туйғуларига даҳл қилади.

Фалон кўчани обод қилиб қўйдим, кўприк қурдим, боғ яратдим, янги компьютер ихтиро қилаяпман, деб мақтанилса арзирли эмасми? Истеъдодли бирор болага ҳомийлик қилиш ҳамма дабдабадан улуғроқ иш эмасми?!

Ўғил-қизларимиз аъло ўқиётгани, икки-уч чет тилини билгани, спорт ўйинларида чемпион бўлгани, юртимиз довруғига довруқ қўшаётгани билан мақтанишни, аниқроғи ғурурланишни қачон ўрганамиз?

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ҚИШЛОҚДА... ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ЎРГАТИЛМОҚДА

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРИДАН БИРИ ТУГАЛДАГИ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИДА 180 НАФАР БОЛА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА

... Кунчиқар мамлакатлардан бирида адолатли подшо яшаб ўтган экан. Унинг уч ўғли бўлиб, бир куни улар сафар ихтиёр этишибди. Шунда подшо ўғилларига қараб:

— Ҳар бирингиз шундай бойлик билан қайтингки, уларни кўриб мен ҳайратланай, — дебди.

Уч ака-ука уч томонга йўл олишиб, роппа-росса бир йилдан сўнг бир жойда учрашишга келишибди...

Алқисса, сафар тугагач, бир йил ўтиб ака-укалар ҳақиқатдан ҳам ўша жойда учрашибди. Катта ва ўртанчи ака от аравага юкланган кўп ва сандиқлар билан қайтибди. Бироқ кенжасида кўримсиз тўрва халтадан бўлак ҳеч вақо йўқ эмиш.

Подшо учала ўғлига синчков қарар экан, даставвал катта ўғлидан сўрабди:

— Сандиғингда нима бор?

— Олтинлар, дуру жавоҳирлар, — дебди у мамнун кайфиятда.

— Сеникида-чи? — сўрабди ўртанча ўғлидан ота.

— Фаранг атирлари, упа-эликлар, — жавоб қилибди ўртанча ўғил.

— Менинг қўлга киритганларим — бор-йўғи 4 та китоб, эгаллаган илмим, ўрганган тилим... Шундан бўлак ҳеч нимам йўқ, — дебди кенжа ўғил отасининг сўровини кутмасдан.

— Баракалла! Энг катта бойликни сен қўлга киритмишсан, — дебди подшо юзлари ёришиб...

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қандай моддийликдан юқори турувчи маънавий ҳилқатлар мавжуд. Булар китоб, ўрганилган илм ила тил. Яна айтмоқчи бўлганим, бу воситалар асрлар силсиласида маърифатпарвар ҳукмдорлар томонидан ардоқланган, азиз тутилган.

Айниқса, ҳозир мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалда татбиқ этилиши юқорида айтган фикримнинг моҳиятини англатаяпти.

Яқинда Ғузор туманида бўлганимизда бунинг исботини кўрдик.

Жаҳон тиллари лицей-интернати туманнинг Тугал қишлоғида ташкил этилибди. Ҳайрон бўлдим: нега энди шундай ўқув даргоҳи туман марказида эмас, чекка бир қишлоқда ташкил этилган, деб.

— 1996 йил эди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳусниддин Нуриддинов. — Мана шу ўқув даргоҳи жойлашган Мейли Раҳмонов номли хўжаликнинг собиқ раҳбари билан суҳбатлашганимизда у бир бинони кўрсатиб «Болалар боғчаси янги жойга кўчиб ўтди, энди буни нима қиламиз?», деганида хаёлимга келган фикрдан қувониб кетдим ва «Келинг, шу ерда бир лицей-интернат ташкил этайлик», дедим. Бу фикр унга ҳам маъқул келди. Қисқаси, югур-югурлар билан ташкил этдик ўқув даргоҳини.

Жаҳон тиллари лицей-интернати талабаларининг бир гуруҳи билан суҳбатлашдик.

Гўзал Абдураҳмонова, 11-синф ўқувчиси:

— Бизда немис, инглиз, француз тиллари чуқурлаштириб ўргатилади. Ўзим немис тили бўйича ўқияпман. Халқимизда «Тил билган, эл балади» деган нақл бор. Шу маънода келгусида Германияга бориб немис тилини мукаммал ўрганиш ниятидаман. Немис ёзувчиларининг асарларини таржима қилиш ниятим ҳам йўқ эмас. Асосий мақсадим — таржима санъатини мукаммал эгаллаш...

Ҳасан Нуриллаев, 9-синф ўқувчиси:

— Менимча, ҳар биримиз даставвал, ўз она тилимизни пухта ўрганишимиз лозим. Чунки ўз она тилингни чуқурроқ ўрганмай, ўзга тилни мукаммал билиш қийин. Шунинг учун ҳам ўзбек тилини яхшироқ ўрганишга ҳаракат қилаяпман.

Француз тилига қизиқаман. Келгусида француз шоирларининг асарларини ўзбекчага ўгириш ниятим бор. Ўзим ҳам шеър ёзиб тураман.

Сирожиддин Аҳмедов, 9-синф ўқувчиси:

— 5 ёшимдан мактабга борганман. Инглиз тилини яхши биламан. Чунки бу тилни 7 ёшимдан ўргана бошладим. Ҳозирча унча-мунча нарсаларни таржима ҳам қилаяпман.

— Бизда 5-синфдан бошлаб чет тили ўргатилади. Аммо чет тили 5-синфдан эмас, ҳеч бўлмаса 3-синфдан бошлаб ўргатилса яна ҳам яхши бўларди. Бу менинг фикрим. Ҳозир немис тили синфида ўқияпман. Тил билишга интилганлар чет элларга бориб, малакаларини ошириб келишаяпти. Ниятим жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ўқимоқчиман.

Фозила Шарипова, 11-синф ўқувчиси:

— Менимча, ҳар биримиз даставвал, ўз она тилимизни пухта ўрганишимиз лозим. Чунки ўз она тилингни чуқурроқ ўрганмай, ўзга тилни мукаммал билиш қийин. Шунинг учун ҳам ўзбек тилини яхшироқ ўрганишга ҳаракат қилаяпман.

Француз тилига қизиқаман. Келгусида француз шоирларининг асарларини ўзбекчага ўгириш ниятим бор. Ўзим ҳам шеър ёзиб тураман.

Сирожиддин Аҳмедов, 9-синф ўқувчиси:

— 5 ёшимдан мактабга борганман. Инглиз тилини яхши биламан. Чунки бу тилни 7 ёшимдан ўргана бошладим. Ҳозирча унча-мунча нарсаларни таржима ҳам қилаяпман.

— Айтгандай, сен «Президент асарлари билимдони» республика танловининг ўтган йилги ғолиби эксансан. Қандай қилиб бунга эришдинг?

— Кўп ўқидим, ўргандим. Олдин туман, кейин вилоятда қатнашиб, тажриба орттирдим. Юртбошимизнинг китобларини кўп ўқигандим-да.

— Қишлоқдаги тенгдошларинг хусусида кўпроқ нималарни ўйлайсан?

— Ҳамма жойда ҳам шароит етарли эмас. Агар биздаги шароит ҳамма қишлоқларда бўлса қанийди... Ҳеч кимдан билимимиз кам бўлмасди. Ўқишга иштиёқи баланд, истеъдодли болалар кўп.

Сирожиддиннинг бу гапларини эшитиб кўзларимдан севинч ёшлари чиқди, рости. Бу бола ҳозир 9-синф ўқувчиси — 13 ёшда. Мен унинг келажагини тасаввур этдим. Юрагим орзиқиб кетди. Бизнинг ишончимиз, умидимиз шулар эмасми? Юртбошимиз орзу қилган авлод шулар эмасми?

Бу истеъдодли ўқувчиларнинг устозлари билан танишдим. Тил ва адабиёт ўқитувчилари, республика ижодкор ўқитувчилар танлови ғолиби Эрмат Холматов ва Муҳаммадали Ибрагимовнинг шеър ва мақолалари матбуотда эълон қилиниб тураркан. Француз тили ўқитувчиси Дилфуза Эшпўлатова эса ўтган йилнинг охирида Франциянинг Монпелье шаҳрида малака оширишда бўлиб қайтибди. Бундайлар талайгина.

Ҳозир бу ерда 180 ўқувчи таълим олади. Уларга эса 26 та олий маълумотли ўқитувчи сабоқ беради. 1996 йилдан буён лицей-интернатни 102 нафар ўқувчи битирди. Буларнинг барчаси Тошкентда таҳсил олаяпти. Бир рақам эътиборимизни тортди. Лицей битирувчиларидан 52 нафари Жаҳон тиллари университетида сабоқ олишмоқда.

Қишлоқда жойлашган мазкур лицей-интернатга вилоятнинг турли бурчакларидан, Қарши шаҳридан, ҳатто қўшни Сурхондарё вилоятидан ҳам ўқувчилар келиб, билим олишмоқда.

Ўн беш йил илгари биров «Шу қишлоқда жаҳон тиллари лицей-интернати ташкил этилади, унда дунё тилларини ўрганишади, компьютерларни ўрганишади. Яна бир кун келиб Германия бургомистри Ўзбекистонда немис тили ўқитилиши жараёнлари билан қизиқади. Кейин мамлакатимизнинг 4 та илм ўчоғига 4 тадан шахсий компьютер жўнатади. Ўша компьютерлардан тўрттаси Тугал қишлоғидаги лицей-интернатга берилади», деса биров ишонмасди. Булар хомхаёлга ўхшаш нарса эди. Бугунги кунда эса ўша «хомхаёллар» кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланди. Умрида пахтазордан нарини кўрмаган оддий одамларнинг фарзандлари, неваралари дунё билан гаплашишга, баҳслашишга тайёр. Улар истиқлол фарзандлари, истиқлол имкониятлари...

■ Илҳом КАРОМОВ



ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

СОЛИҚ НИМА, У НИМАЛАРГА САРФЛАНАДИ?



Республикада солиқ тизими мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шакллантирилган бўлса-да, айрим фуқароларимиз солиқларни нима учун тўлаётганликларини, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда унинг аҳамиятини тўлиқ тушунмайдилар. Тўланаётган солиқлар қаерда тўпланиб, нима мақсадларда ишлатилаётганлигидан, назаримизда, мактаб ўқувчиси ҳам бохабар бўлиши керак. Зеро, бу аҳоли ўртасида солиқ маданиятининг юксалишини ҳамда солиқларни ўз вақтида давлат бюджетига келиб тушишини таъминлайди. Хўш, солиқ тизими деганда нимани тушунамиз?

Солиқ тизими — мамлакат ҳудудида юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакл ва услублари йиғиндисидир. Унинг асосий тамойилларидан бири — солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир бўлмаслигидир. Шу ўринда бир савол: тўланадиган солиқларнинг суммаси қанча бўлганда оғир ёки оғир эмас дейилади? Агар, солиқ ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган бўлса, уни оғир деб аташ мумкин. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида, **«йилдан-йилга, аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда»**, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Эътибор беринг, 1998 йилда юридик шахслар даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ ставкаси 35 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йил 1 январдан бошлаб 24 фоиз миқдорида белгиланди. Бу 10 миллиардлаб маблағлар корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрида қолаяпти, дегани. Фақат, бугина эмас, фуқароларимиз иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг юқори миқдори 1998 йилда 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилнинг 1 январидан ушбу солиқ ставкасининг энг юқори миқдори 33 фоиз.

Агар биз бюджет харажатларининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг қарийб ярмига яқини ижтимоий-маданий ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини маблағ билан таъминлашга сарф этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. 2002 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг 142,4 миллиард сўми айнан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлашга йўналтирилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, солиқ тўловчилар тўлаган солиқлар фарзандларимизнинг етук ва комил инсон бўлиб тарбияланиши ва таълим олишига сарфланаётганлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим. Бугунги кунда улар замонавий қурилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим-тарбия олишмоқда. Улар қурилишига 1998-2000 йилларда Давлат бюджетидан 130,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этган, таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Т.Маликов қаламига мансуб **«Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари»** номли китобида юқоридаги мавзулар қаламга олинади. Муаллиф солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига доир ўз қарашларини оддий ўқувчилар учун содда ва тушунарли тарзда акс эттирган. Шунингдек, муаллиф биздаги солиқ тизимини ривожланган чет мамлакатлар тажрибаси билан моҳирона қиёслаганки, бу ўқувчига чет мамлакатлар солиқ тизими билан ҳам танишиш имкониятини яратади.

■ Хўжаёр ШЕННАЕВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

XORIJDA

«ТЎРТЛИК»НИНГ ЯНА БИР УЧРАШУВИ

3 май куни Вашингтонда «тўртлик»нинг яна бир учрашуви ўтказилиши кутилмоқда. Шу куни Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл, Испания ташқи ишлар вазири Хосеп Пике ҳамда Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана Яқин Шарқдаги вазият юзасидан ва бу ҳудуддаги инқирозни бартараф этиш масаласи бўйича учрашадилар. Сиёсатчиларнинг аввалги учрашуви 10 апрелда Мадридда бўлган эди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙШИ

Францияда миллатчилар партияси йўлбошчиси Жан-Мари Ле Пеннинг 5 май куни бўладиган президент сайловида иштирок этишини истамаганлар оммавий намойишга чиқди. Бу норозилик намойишида 150 мингга яқин одам қатнашган.

ЭЛЛИК ЙИЛДАН КЕЙИН

Жанубий кореялик юзга яқин қария якшанба куни кемага ўтириб, Шимолий Кореяга, аниқроғи, Корея Халқ Демократик Республикасида яшаётган қариндошлари билан учрашувга жўнадилар. Улар деярли эллик йил бир-бирларининг аҳволидан бехабар яшаганлар. Қариндошлар ташрифи 3 кун давом этади. Учинчи майгача Шимолий кореяликлар қариндошларини ўз ватанларига кузатиб қўядилар.

ЖОСУС СУД ҚИЛИНДИ

Хабаровск ўлка суди «Инфон» масъулияти чекланган жамият директори, Россия ҳарбий хаво кучларининг собиқ капитани Алексей Ветровнинг мол-мулкини давлат фойдасига мусодара этиб, Алексейни кучайтирилган қаттиқ тартибли колонияда сақлаш шарти билан 4 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Унинг жосуслигини аниқлаш ва қўлга олиш ҳақида Россия Федерацияси федерал хавфсизлик хизматининг Хабаровск ўлка бошқармаси бошлиғи, генерал-лейтенант Анатолий Маренков ўтказган шанба куни брифингда батафсил маълумот берди. Унинг гапларига қараганда, Алексей Ветров бир йил аввал — 2001 йил 28 апрелда Россия давлат чегарасидан ўтишга уринаётган пайтда қўлга олинган. Ўшанда у «Су» русумидаги жанговар самолётларда қурол-аслаҳалар жойлашуви ҳақидаги ўта махфий маълумотларни яшириб, белига боғлаб олган экан.

«Россия Мудофаа вазирлиги Бош штабида ва самолёт ишлаб чиқаришни лойиҳалаш бюросида ўтказилган экспертизалар Ветров хорижга олиб чиқиб кетишга уринган ҳужжатлар махфий сақланиши керак бўлган давлат сири эканлигини қайд этишди» — дейди Маренков. Генералнинг айтишича, «Агар бу ҳужжатлар хорижга яширинча чиқиб кетган тақдирда, Россия давлати 20 миллион рубль зарар кўрарди».

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларини ўтказади

Савдога қўйиладиган объектлар қўйидаги:

КЎЧМАС МУЛКЛАР:

- Юнусобод туманида жойлашган ТошДИЭС стадиони, мол-мулки билан биргаликда, бошланғич нархи — 40 000 000 сўм.
- Сирғали туманида жойлашган ошхона биноси, бошланғич нархи — 5 964 429 сўм.
- Миробод туманида жойлашган ётоқхона биноси, бошланғич нархи — 19 552 477 сўм.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган бинолар:

- Маиший хизмат кўрсатиш маркази, бошланғич нархи — 2 861 499 сўм.
- Тиббий санитария қисми, бошланғич нархи — 65 008 265 сўм.
- Ички йўналтириш шаҳобчаси, бошланғич нархи — 5 306 675 сўм.
- Босмахона, бошланғич нархи — 13 340 689 сўм.
- Йиғув-узатув бўлими, бошланғич нархи — 208 659 321 сўм.
- Муҳандислик лаборатория бўлими, бошланғич нархи — 9 566 310 сўм.
- Чўян қуйилмалари цехи, бошланғич нархи — 1 734 490 748 сўм.

Автотранспорт воситалари:

- «М-2140», д/р 81-02 ТША, и/ч йили 1986, бошланғич нархи — 54 926 сўм.
- «КАВЗ-685М», д/р 65-02 ТНЛ, и/ч йили 1985, бошланғич нархи — 529 383 сўм.
- «Зил-431410», д/р 10 AG 528, и/ч йили 1989, бошланғич нархи — 867 878 сўм.
- «Москвич-412», д/р 20-36 ТНБ, и/ч йили 1983, бошланғич нархи — 59 026 сўм.
- «Зил-ММЗ-554М», д/р 10 AF 610, и/ч йили 1991, бошланғич нархи — 1 177 105 сўм.
- «ГАЗ-52-04», д/р 08-49 ТНИ, и/ч йили 1984, бошланғич нархи — 294 345 сўм.

2002 йил 31 май, 7, 14, 21 июнь кунлари танлов савдоларини ўтказади

Танловга Тошкент шаҳар, Миробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган 164-сонли болалар боғчаси (мол-мулки билан) қўйилади. Бинонинг бошланғич нархи — 9020700 сўм.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш, унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 2002 йил 26 апрель куни ўтказилган ким ошди савдоларида Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 «Б» мавзесида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган битта ер майдони 800 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИ-Ю, АММО...

Қўнғирот туман суди 1999 йил 15 июнь куни фуқаро Авезов Ҳакимбой хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ «иш»ни кўриб чиқди ва айбдорга «тегишли бўлган 5 миллион 913 минг сўмлик мулкни» мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Мусодара қилинган мулк (автомашина ва велосипеднинг эҳтиёт қисмлари)нинг кўпи аслида тадбиркорлар Эркинбой Собиров, Олимбой Абдураҳмонов, Улуғбек Ниёзов ва Баҳром Хўжаниёзовларга тегишли эди. Улар суд жараёнида гувоҳ сифатида қатнашдилар. Бу ҳақда ҳукмда аниқ-равшан ёзиб қўйилибди. Қизиғи, суд нафақат айбдорларнинг, балки гувоҳларнинг мулкларини ҳам давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди...

Газетамизнинг 1999 йил 4 ноябрь сонида эълон қилинган «Бедаво даъвогарлар» сарлавҳали танқидий мақолада бу ҳақда ҳикоя қилинганди.

Ҳақ қарор топди — матбуот чиқишидан сўнг «чалкаштирилган иш» қайта кўрилди.

2001 йилнинг 15 август куни Беруний туманларарo фуқаролик ишлари бўйича суди фуқаролар Э.Собиров, О.Абдураҳмонов, У.Ниёзов ва Б.Хўжаниёзовларга тегишли бўлган мол-мулклар рўйхатидан чиқарилди ва 13.405.200 сўм Қўнғирот тумани молия бўлими томонидан даъвогарлар фойдасига ундириб бериш ҳақида «ҳал қилув қарори» чиқарди.

Адолат қарор топди. Икки йил муқаддам суд томонидан йўл қўйилган хато тузатилди. Бунга қувонмоқ керак. Аммо...

Судья жанобларининг хатоси эндиликда давлат бюджетига салкам ўн тўрт миллион сўм зарар бўлиб тушаётганини айтмоқ керак. Чунки, мусодара қилинган эҳтиёт қисмлар аллақачон нисбатан арзон нархларда сотилиб кетган. Бу орада эса баҳолар ўзгарган. Сотилиб кетган мол-мулкни эндиликда деярли уч бараварига давлат чўнтагидан тўланаётгани ажабланарли...

Яхшиси бу ҳақда даъвогарлардан эшита қолайлик: «Суд қарори кучга кирганига мана бир неча ой бўлмоқда. Аммо, бизга ҳали бир тийин ҳам пул тўланмади. Суд ижрочиси турли баҳоналар билан ижрони орқага сурмоқда. Гўё Қўнғирот туман молия бўлимида маблағ йўқ эмиш. Ахир қарор ўтган йил охиридан кучга кирган. Туман молия бўлими янги йилга мўлжалланган бюджетни қабул қилаётганида бизнинг қонуний ҳақимиз бўлган маблағ ҳақидаги «ҳал қилув қарори»дан яхши хабардор эдику. Яна бир томони суд мусодара қилинган мол-мулкимизни баҳолашда ўтган йили март ойидаги нархларга суянганди. Орадан бир йил ўтди, бу вақт оралиғида эҳтиёт қисмлар нархида ҳам ўзгариш бўлди. Хўш, бу фарқни ким тўлайди? Ҳали қарорда кўрсатилганини ололмаяпмиз-ку...»

Даъвогарлар ўтган салкам уч йил муддатда турли идора-ташкилотларга, Қўнғирот ва Нукус шаҳарларига қатнайвериб оёқдан толишди, сарф-харажатлар бўлди. Чунки, улар бу манзиллардан 200-250 километр узоқликда — Хоразм вилоятининг Боғот туманида истиқомат қилишади-да.

«Ижро варақа»сидан ўқиймиз: «Суд ва бошқа ташкилотлар ижро ҳужжатларини ижро этиш бўйича суд ижрочиси талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча давлат ташкилотлари, корхоналари, жамоа бирлашмалари, муассасалари, жамоа хўжаликлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир».

Наҳотки, қонунда белгиланган ҳужжат Қўнғирот туман молия бўлимига дахлдор бўлмаса?..

■ Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2002»

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Фарғонада «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари қизғин паллага кирди. Кеча мусобақанинг сузиш, стол тенниси (жуфтлик ҳисобида), белбоғли кураш турлари қатнашчилари баҳсларни ниҳоясига етказишди.

Сузишнинг уч (эркин, чалқанча ва брасс) усули бўйича ўтказилган беллашувларда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри бош соврин соҳиби бўлди — 13 очко. Навоий (11) ҳамда Фарғона (10) вилоятлари ўқувчилари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

Ўн тўрт жамоа иштирок этган кичик ракетка усталари мусобақасида яна пойтахтликларга тенг келадигани топилмади — 7 очко. Тошкент (6) ҳамда Наманган (4) вилоятлари мактаб ўқувчилари шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини банд этдилар.

Белбоғли кураш водий аҳолисининг энг севимли спорт турларидан ҳисобланади. Кеча ниҳоясига етган мусобақа ҳам юқори даражада, чиройли ўтди. Умумжамоа ҳисобида Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ёш полвонлари совринли ўринларни эгаллашди.

— Бу ерда кўп дўстлар орттирдим, — дейди шахсий ҳисобда мусобақа чемпиони бўлган Наманган вилоятидаги Тўйчи полвон Сиддиқов номли миллий кураш мактаби ўқувчиси Жаҳонгир Абдулҳаев (65 кг.). — «Умид ниҳоллари» мусобақалари — ҳақиқий дўстлик байрами экан.

Полвонлар сулоласидан икки мактаб ўқувчиси наманганлик Музаффар Сойиббоев (55 кг.) ҳамда Рустамжон Умаров(60 кг.)лар ҳам олтин медаллар соҳиби бўлишди.

— Томиримда Тўйчи полвоннинг қони оқиб турибди, — дейди қўлларини мушт қилиб Рустамжон. — Агар биринчи ўринни олмасам, уят бўларди. Чунки оиламизда белбоғли кураш бўйича етти нафар спорт устаси бор. Келажакда, албатта мен ҳам улардек юқори поғоналарни забт этаман.

Юртимизнинг икки минг нафарга яқин ўғил-қизларини учраштирган, дўстлаштирган мусобақа бугун ўз поёнига етади.

■ **Эркин ХОЛБОБО, Нодира ҚАЮМОВА**

Суратларда:
1). Шоҳмот бўйича гуруҳ мусобақалари қатнашчилари Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 13-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Сарвиноз Эргашева ва Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 36-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Гулсавр Бекмуротовалар.
2). Андижон шаҳридаги 1-гимназиянинг 9-синф ўқувчиси — енгил атлетика бўйича биринчи ўрин соҳибаси Ирина Мароз.

■ **(ЎзА) олган суратлар**

ФУТБОЛ

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ўтган шанба куни олий лига жамоалари чемпионатнинг 7-тур учрашувларини ўтказишди. Мазкур тур кутилмаган натижаларга бой бўлди.

Жиззахда «Сўғдиёна»га қарши майдонга чиққан «Пахтакор» жамоаси омадли юришини яна давом эттирди. Ушбу ўйинда мезбонлар дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллаган пахтакорчилар ўзларининг еттинчи ғалабасига эришди. Ўз майдонида тўп суришига қарамай, «Нефтчи» футболчилари андижонликларни зўрга мағлубиятга учратишди — 2:1. Мазкур учрашувнинг 87-дақиқасигача меҳмонлар ғалаба қозонишаётганди. Қолган уч дақиқада Сергей Ни ва Анвар Бердиевларнинг киритган тўплари фарғоналикларга муҳим уч очкони туҳфа этди. Мавсумни шов-шув билан бошлаган Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси эса кетма-кет учинчи учрашувда имкониятни бой берди. Улар меҳмонлар — «Металлург» (Бекобод) футболчиларига ютқазиб қўйишди — 1:2.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Трактор» — 3:0, «Қўқон-1912» — «Самарқанд-Д» — 1:1, «»Дўстлик — «Машъал» — 2:0, «Сурхон» — «Навбаҳор» — 1:0. Саккизинчи тур ўйинлари 4 май куни ўтказилади.

■ **Мансур ШУКУРОВ**

МЕРОС

ЧАНҚОВУЗНИ ИККИ КУН ТИНИМСИЗ ЧАЛГАН ОҚИН

Элимизнинг лапар, бахши, достончилик санъатлари тарихи минг йилларга бориб тақалади. Авлоддан-авлодга, тилдан-тилга кўчиб келаётган ўлмас анъаналаримиз мустақиллик йиллари қайта туғилди. Эндиликда тўй-маърака, байраму шодиёналарни бундай санъат турларисиз тасаввур этиш қийин.

Қумқўрғоннинг «Кўчасарой» қишлоғида Жума Абрайқулов яшайди. Ҳокисор, одамохун. Санъат жону дили. Чанқовуз чалади. Ўзиям оҳангга маҳлиё бўлиб, эшилиб тебранади. Мусиқа куйида йироқларга кетиб қолгандек сезасиз, ўзингизни...

— Чанқовуз — менинг ҳаётим, борлигим, — дейди Жума бобо.

— Эй, қай бирини эслай, қайсини ёдга олай?

...Айниқса, халқимизнинг юрак-юрагидан жой олган таниқли санъаткор Наби Раҳимов, жаҳон бокс чемпиони Руфат Рисқиев, қаҳрамон учувчи Абдусаттор Эшонқулов ва уруш йиллари Эрондан Руминияга қадар ўзининг «Қорабайир» отида 82 минг километр йўл босган Умар Тоиров билан ҳамкорликда Қашқадарёда 10 кун тўйлаб келганим кечагидек ёдимда. Вилоятнинг 12 туманида концерт бергандик, ўшанда. Халқимиз санъатни севади, эъзозлайди. Фақат уни тингловчи қалбига етказа билиш керак.

Яна чанқовуз «сўзлайди». Таралаётган мунгли сасдан ўйга ғарқ бўласиз. Нолаларидан юрак сел бўлади. Созандага термулиб, ширин бир туйғу хаёлни чўлғайди:

ҳа, воҳа, юрт довруғини шу инсон ўз санъати билан дунёга танитмоқда. Давраларни қизитмоқда, аждодларнинг ўлмас удумини авлодларга етказмоқда. Узоқ таралган наводан сўнг бобо пешонасини артиб, ҳикоясини давом эттиради.

— Ўтган йилнинг бошида Алматида бўлган оқинлар анжуманида иштирок этдим. Унда 36 мамлакатдан олимлар бор эди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Сибир ўлкасидан кўплаб санъаткорлар келувди. Шоберди бахши Болтаев бир куйлади-бир куйладики, асти қўяверинг. Юраклар йиғлади, десам ишонинг...

Навбат менга етди! Ўзбекистонни бир эсладим-да, чалишни бошладим. Чанқовузимни чалаверибман-чалаверибман денг... Ҳамма лол. Эдил Кусетов дегани билан икки кун «ким зўр»га баҳслашдик. Менинг бир чанқовузим унинг етти чанқовузига бўйин бермади. Голиб бўлдим!

Пайғамбар ёшини қаршилаган Жума оқин йигитлардек турди-ю, тўнни кийди, ички чўнтакдан тугилган шоҳи рўмол олди: «Булар менинг бойлигим, — давом этади бобо. — Узоқ Сибир, Владивосток, қозоқ, қирғиз чанқовузлари. Жами 20 дан ортиқ. Улардан куй таралади. Гоҳи мунгли, баъзан ўйноқи. Ҳар бирининг ўзига хос садоси уйни тўлдиради. Бобом чанқовуз чалиб карвонларни тўхтатган, бўриларни чалғитиб, қушларни куйлатган. Мўъжаз боғимиз бор. Эрта баҳордан булбул, какку келади. Жўшиб кетиб уларга ҳамоҳанг баҳслашаман».

Кўплаб шогирдлар етиштирган, ўзбекнинг ўлмас санъатини авлодларга ўргатаётган Жума Абрайқулов чанқовуз чалганда кўз ўнгингизга бепоён қир-адирлар, юксак тоғлар, булбулларга ошён боғлар келади.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3102

Topshirish vaqti 23.00
Topshirildi 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

BANK XALQ BANKI

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Қисқа муддатда пулингиз кўпайиб, санаторийларда мазза қилиб ҳордиқ чиқаришни хоҳлайсизми?

УНДА МАРҲАМАТ! ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИНГ ЭНГ ЯҚИН КЎМАКДОШИНГИЗГА АЙЛАНАДИ.

Халқ банкининг шу йил **1** майдан **60** кун муддатга очилган **«Саҳоват»** қисқа муддатли ютуқли омонатига маблағингизни топшириб, йиллик **50** фоиз даромадга ҳамда **50** минг сўмдан **1 млн**. сўмгача ютуқларга эга бўласиз.

ЯНГИЛИКНИНГ ҚИЗИҒИНИ ЭНДИ ЭШИТИНГ!

Омонатга пул қўйиб, «Санаторийга йўлланма»лар ва Халқ банки томонидан **6** ой давомида ҳар ойда **25** минг сўмдан тўлаб бориладиган «Қувонч» ютуғи соҳибига айланишингиз турган гап.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛГАН ЭМАС.

Халқ банкининг саховатидан Сиз баҳраманд бўлинг!

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САКЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР! ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САКЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Савдолар 2002 йил 31 май ва 6 июнь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.
Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «ДЭУ Принц» русумли, давлат рақами 10 АО 701, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич нархи — 8150000 сўм.
2. ГАЗ-2402 русумли, давлат рақами 04 57 ТНС, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич нархи — 200000 сўм.
3 РАФ-220301 русумли, давлат рақами 10 АР 645, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич нархи — 500000 сўм.
4. РАФ-220301 русумли, давлат рақами 10 АQ 335, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич нархи — 600000 сўм.
5. ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 82 36 ТНМ, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич нархи — 150000 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!
Аризаларни 10 фоизлик гаров пулни тўлаган харидорлардан қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.
Ушбу объектларга қизиқиши бор хориждлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75
Факс: 136-06-17
www. uzrktb. com

ЭЪЛОН
Республика Кўчмас мулк биржаси савдоларига қўйилган Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида жойлашган 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 4-манзилда жойлашган «Ўзбектрансстрой» ассоциациясига қарашли «Касб-ҳунар мактаби» мулкий мажмуаси ўтган савдоларда сотилди.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ БАХТЛИ СОҲИБИ БЎЛИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!
Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!
Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!
Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.
Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:
- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қиланг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«АСАКА» БАНК

СИЗЛАР УЧУН

Бўш пул маблағларингизни депозит сертификатларга қўйиш имкониятини қуйидаги шартлар асосида таклиф этади:

Депозит ва жамғарма сертификати муомалага нақд (бланка) шаклда чиқарилган.
«Асака» банки даромад ва омонат суммасини ўз вақтида тўланиши бўйича кафолат беради.
Сертификатларни муддатидан олдин тўлаш имконияти ҳам кўзда тутилган.
«Асака» банк депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ва тўлаш шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни сиз «Асака» банк бош офиси ва унинг ҳудудий филиалларида бевосита олишингиз мумкин.

Шу билан бирга, сертификатларни «Асака» банкининг бошқа вилоят филиалларидан ҳам сотиб олишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
9 ойга	25%
6 ойга	24 %
3 ойга	22 %
1 ойга	20 %

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
6 ойга	40 %
3 ойга	36 %

Тошкент шаҳри бўйича банк манзиллари ва телефонлари.
Бош офис: Тошкент ш.; Нукус к., 67-уй, *телефон: 120-82-26.*
Тошкент шаҳар бўлими: Тошкент ш., А.Қаҳҳор к., 73-уй, *телефон: 120-83-73.*
Автотранспорт филиали: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 14, *телефон: 120-81-97.*
Тошкент вилоят филиали: Тошкент ш., И.Оқилов к., 40-уй, *телефон: 120-84-08.*
Юнусобод филиали: Тошкент ш., Чимкент тракти, 79-уй, *телефон: 125-11-06.*
Сирғали филиали: Тошкент ш., Массон к., 39-уй, телефон: 57-87-55.
Шайхонтоҳур филиали: Тошкент ш., Навоий к., 18-уй, *телефон: 120-84-31.*